

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 5

«05» феврал 2022 й.

Пешку тумани

«GOLDEN SIFAT STROY» МЧЖ, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади. Узининг устави асосида иш юритувчи рахбари **З.Хожиев** номидан, бир томондан ва **Пешку туман Ободонлаштириш бошқармаси** кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми асосида иш юритувчи рахбар **К.Имомов** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1 «Пудратчи» ушбу шартнома буйича тузилган смета лойиха хужжатларига асосан курилиш ишларини «Буюртмачи»нинг буюртмаси асосида **Пешку тумани Садир МФЙ худуди кираверишида пано(стелла) урнатиш ишлари** бажаришни, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

Ушбу шартноманинг умумий суммаси тузилган смета лойиха хужжатларидан келиб чикиб **ҚҚС билан 41 605 000** (Кирк бир миллион олти юз беш минг) сўмни ташкил этади.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. "Буюртмачи" томонидан тақдим қилинган хужжатларга асосан таъмирлаш ишларининг қиймати **ҚҚС билан 41 605 000 (Кирк бир миллион олти юз беш минг) сўмни ташкил қилади.**

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги 241-сонли қарорига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш бўйича суммаси бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларида 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тулаш назарда тутилган.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ , БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «05» феврал 2022 йил.

3.2. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «28» феврал 2022 йил.

4. ТЎЛОВ ШАРТИ ВА ТАРТИБИ

4.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 3.2. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

4.2. Шартномадаги авансни «Пудратчи» олгандан сунг таъмирлаш ишларини бошлайди.

4.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га узи томонидан харид қилинган таъмирлаш материалларини тақдим қилиши мумкин.

4.4. Таъмирлашни тухтаб қолганлиги учун сабабчи булган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган хар қандай камомад ёки жавобгарликни уз зиммасига олади.

4.5. Таъмирлашни тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома баҳоси **ҚҚС билан 41 605 000** (Кирк бир миллион олти юз беш минг) сўм бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиш ва фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Хар ҳафтанинг душанба кунинда жорий ҳафтада бажарилган таъмирлаш монтаж ишлари тўғрисидаги тегишли хужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

Буюртмачи томонидан объектни уз вақтида ишга тушириш буйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб борилган хар бир кун учун мажбурятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида 2-сонли далолатномани тузади..

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» махсус ҳисоб-рақамидан хар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нархини 0,4% миқдорида «Пудратчига» пени тўлайди. бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. "Буюртмачи" тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ 2-сонли далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7.ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

7.1. Барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техника шартларига мувофиқ барча ишларини бажариш сифатини;

уз томонидан қурилиш (таъмирлаш) учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбаб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қонсрукция ва тизимлар сифатини уларнинг лойиха ҳужжатларида қурсатилган сертификацияларига, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш шва фойдаланиш қафолатли даври аниланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбаб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан **2022 йил 31 декабр** кунига қадар этиб белгиланади.

Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқлаиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврида узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаси қайд этилади.

Агар Пудратчи белгиланган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, камчиликларни далолатномада қурсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 4- бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар қурсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

7. Ушбу шартнома асосида қелиб чиқадиган ҳар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан иқтисодий судларида ҳал этилади.

8.ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Мазкур шартнома Ҳазначилиқдан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний қучга қиради ҳамда 2022 йил «31» декабрьгача амалда бўлади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик қучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

8.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг қелишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

9. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН ҚУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат қодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қолса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ижрочи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни қонсрвация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида қелиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ ҚУЧГА ҚИРИШИ

9.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.08.2017 йилдаги “Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва қорпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарори, 2014 йил 1 январдаги Ўзбекистон республикасининг Бюджет кодексининг 122 моддаси ва Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари 2016 йил 22 декабрьда 2850-сон, Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ҳазначилиқда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин қучга қириши назарда тутилган.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«GOLDEN SIFAT STROY» МЧЖ

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Пешку тумани
Тел./факс: 997088060
х/в: 20208000805352307001
Банк номи: Ипотека банк Бух ф
МФО: 00088 СТИР: 308249521

Рахбар:- **З.Хожиев**
(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

М.Ў.

«БУЮРТМАЧИ»

Пешку туман Ободонлаштириш бошқармаси

(бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи)

Манзил: А.Темур кучаси №21 уй
Тел./факс: 3532358
ш/хв*: 100022860062407011503018014
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 203609198
ОКОНХ: 90211
Ҳазначилик бўлинмаси номи: Пешку тумани
бўйича Ҳазначилик бўлинмаси
Ҳазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳри
МФО: 00014
Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи: 201122919

Рахбар:- **К.Имомов**
(Ф.И.Ш)



(ИМЗО)

М.Ў.

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): _____

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№

1. Loyiyaning turi – shartnoma
2. Loyiyaning nomi – "Golden Sifat Stroy" MCHJ va Peshku tuman obodonlashtirish boshqarmasi o`rtasidagi pudrat shartnomasi
3. Mazkur loyiha Peshku tuman obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va 06.02.2022 y dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig`i:



D.Qo`shayev

2022 yil «07» fevral